



# «БУНЁДКОР ЖАМИЯТ» ХАЛҚАРО ЛОЙИХАСИ

«Бунёдкор жамият» – бу замонамизнинг энг ўткир муаммоларидан бири бўлган глобал иқлим инқизозига қарши курашда бутун дунё одамларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга қаратилган, диндан ва сиёсатдан холи бўлган, кўнгилли, халқаро, мустақил лойиҳа.

## Миссияси:

жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини глобал иқлим инқизозига қаратиш, шунингдек, унинг сабабларини ўрганиш ва ечимларини топиш. Инсон ҳаётини ҳимоя қилиш ва келгуси иқлим коллапсини олдини олиш мақсадида инсониятнинг илмий салоҳиятини бирлаштириш учун шароит яратиш.

## Иштирокчилар:

дунёнинг 180 та мамлакатидан турли этник гурухлар, профессионал ва ижтимоий соҳалар, турли диний ва сиёсий қарашлар вакиллари.

## Молиялаштириш:

Ушбу халқаро лойиҳа давлат идоралари, тижорат корхоналари, корпорациялар ва бошқа молия институтлари томонидан мутлақо молиялаштирилмаган ҳолда ўз фаолиятини юритади.

**10+**

глобал халқаро форумлар  
ва конференциялар

**150+**

глобал форумлар таржима  
қилинган тиллар

**27+**

йил мустақил илмий  
тадқиқотлар

**180+**

давлат

**0-**

ташқаридан молиялаштириш

**ЭРТАНГИ ИҚЛИМ МУАММОЛАРИНИ ОЛДИНИ  
ОЛИШ УЧУН БУГУН ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!**

[creativesociety.com](http://creativesociety.com)



«Бунёдкор жамият» халқаро илмий лойиҳаларни бошлаш орқали, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг демократик мақсадларини амалга оширишига интилади. Фанлараро тадқиқотлар ва жамоавий ҳаракатлар орқали «Бунёдкор жамият» лойиҳаси иштирокчилари иқлим инқизозига қарши туриш мақсадида бутун дунё одамларига маълумот етказадилар ва уларни бирластирадилар.

## «БУНЁДКОР ЖАМИЯТ» КҮНГИЛЛИЛАРИ НИМАЛАР ҚИЛИШАДИ:

- **Глобал катаклизмларнинг мониторинги.** «Бунёдкор жамият» күнгиллилари очиқ манбалардан фойдаланган ҳолда бутун дунё бўйлаб катаклизмлар ва табиий оғатлар билан боғлиқ воқеаларни кузатадилар. Ҳар ҳафта жамоатчиликка мунтазам ҳисоботлар тақдим этилади.
- **Аналитика ва маълумотларни визуализация қилиш.** Содир бўлган воқеаларни чуқур таҳлил қилиш, шу жумладан визуал ва информацион графиклар орқали.
- **Етакчи олимлар ва мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлик.** Содир бўлаётган иқлимий ва геодинамик ҳодисалар тўғрисида чуқур билимларга эга бўлиш учун кўнгиллилар мунтазам равишда олимлардан ва мутахассислардан интервьюлар олишади.
- **Гувоҳлар ва иқлим қочоқлари билан алоқада бўлиш.** Кўнгиллилар оғатлардан омон қолган ва иқлим муаммоларига дуч келган одамлардан интервью олиб, уларга ўз фикрларини ифода қилишга имкон беришади.
- **Экологик анализ.** Катаклизмларнинг атроф-муҳитга ва экотизимларга таъсири тадқиқ этилади.
- **Халқаро форумлар ва конференциялар.** Долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, ҳамда эксперталар ва жамоатчилик билан биргалиқда уларнинг ечимини топиш учун кўнгиллилар 150 тилга синхрон таржима қилинадиган халқаро форумлар ва конференциялар ташкил этадилар.

## ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ОФАТЛАРИНИНГ ПРОГРЕССИЯСИ ВА ОҚИБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

Сўнгги йилларда сайёрамизда иқлим оғатларининг сони шиддат билан ўсиб боряпди. Катаклизмлар аввал кузатилмаган жойларда тўсатдан содир бўлиб, катта зарар етказиляпди ва одамларнинг ҳаётига зомин бўляпди. Ҳозирги вақтда табиий оғатлар барқарор ўсиш тенденциясига, синхрон характерга ва кенгайиб бораётган географияга эга. Ушбу ҳисоботда сўнгги 30 йил ичидаги Ерда ортиб бораётган иқлимий ва геодинамик ўзгаришлар прогрессиясининг таҳлили, шунингдек, уларнинг сайёрадаги иқлимий вазиятни сезиларли дараҷада қучайтирадиган қўшимча антропоген омиллар билан алоқаси келтирилган. Ушбу ҳисоботдаги ноёб маълумотлар инсониятга маъсуллиятли қарорлар қабул қилиш учун қолган вақтни ва иқлим инқизозини бартараф этиш учун зарур ҳаракатларни баҳолаш имкониятини беради.

Ушбу ҳисобот дунёning 180 та давлатидан «Бунёдкор жамият» лойиҳаси кўнгиллилари кўмагида олимлар, таҳлилчилар ва мутахассислар олиб борган кўп йиллик тадқиқотлари натижаси.

Ҳисобот ҳақида батафсил маълумотни, шунингдек  
унинг матнли версиясини сайтдан  
[creativesociety.com/uz/climate-model](http://creativesociety.com/uz/climate-model)

ёки QR код орқали кўришингиз ёки юклаб олишингиз мумкин:

